

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2025 йил декабрь ойининг 15 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман суди, суд биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья, Н.Касимова, судья ёрдамчиси Ф.Умарованинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси, Шайхонтоҳур туман прокурорининг ўринбосари Х.Парпиев, судланувчи Д.Садикова, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилган “Ozod Himoya” адвокатлик бюросининг адвокати О.Тилаков ҳамда жабрланувчи А.Исламовларнинг иштирокида

Садикова Дилфуза Абдулазизовна (Sadikova Dilfuza Abdulazizovna)- 18.04.1988 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, муқаддам судланмаган, "Yunusobod, avtoustoz" МЧЖда тиббиёт ходими, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Жўржоной” м.ф.й., “Самоний” кўчаси, 2а-уйда яшовчи, жиноят иши доирасида “шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 05.11.2025 йилда олганга нисбатан

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан айбланиш ҳақидаги 1-1003-2501/646-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, суд қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Н Д И:

Д.Садикова ўзганинг анча миқдордаги мулкани алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан талон-торож қилиш мақсадида 2024 йил октябрь ойида Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туман, “Тахтапул” м.ф.й., ҳудудида жойлашган “Малика савдо мажмуаси” да бўла туриб, ўша ерда бўлган Исламов Атабек Анварбековични ишончига кириб, олти ой муддатда бўлиб-бўлиб бериш шарти билан умумий баҳоси 7.850 АҚШ (100.354.400 сўм) долларига тенг бўлган тўрт дона “Iphone 16 pro max” русумли телефон аппаратларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган Д.Садикова айбига тўлиқ иқrorлик билдириб, дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб, қуйидагиларни, яъни 2024 йил бошларида турмуш ўртоғи Д.Садиков орқали биринчи марта А.Исламов билан танишганлиги, ундан бир дона телефон аппаратини пулини бўлиб-бўлиб бериш шарти билан сотиб олганлиги, шундан сўнг у пул маблағларини ўз вақтида бериб келганлиги ва келишилган муддатда А.Исламовга барча тўловларни тўлиқ тўлаб берганлиги, шундан сўнг у пулга муҳтож бўлиб қолганлиги сабабли А.Исламовдан 2024 йил



октябрь ойи давомида жами тўрт дона “Iphone 16 pro max” русумли телефон аппаратларини олти ой муддатда пулини бўлиб-бўлиб тўлаб бериш шарти билан жами 7.850 АҚШ долларига келишиб олиб кетганлиги, у олган телефон аппаратларини сотиб, пулларни ўзининг эҳтиёжлари учун сарфлаб юборганлиги, чунки бошқалардан қарзлари бўлганлиги, шу сабабли ишлатиб юборганлиги, А.Исламовга 3.000 АҚШ долларини берганлиги, қолган 4.850 АҚШ долларини беролмаганлиги, А.Исламовни баҳоналар билан алдаб келганлиги, ҳозирда А.Исламовга етказилган зарарни тўлиқ қоплаб бериш имконияти йўқлигини, тез орада етказилган зарарни қоплаб беришини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, бу каби ҳолатлар бошқа такрорламаслигини, оилавий шароитини, аёллигини инобатга олиб, суддан унга нисбатан енгиллик беришини сўради.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган А.Исламов дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб, қуйидагиларни, яъни 2018 йилдан буён “Малика савдо мажмуаси”да сотувчи бўлиб ишлаб келаётганлиги, 2024 йил октябрь ойида унинг олдида таниши Д.Садикова келиб, шахсий фойдаланиши учун бир дона телефон аппарати олти ой муддатда тўлаб бериш шартини билан олиб кетганлиги, шундан сўнг яна тўрт дона “Iphone 16 pro max” русумли телефон аппаратларини олти ой муддатда пулини бўлиб-бўлиб тўлаб бериш шарти билан жами 7.850 АҚШ долларига тенг телефонларни олиб кетганлиги, бироқ Д.Садикова уни алдаб телефонларни сотиб, пулини бошқа эҳтиёжларига қарзларига сарфлаб юборганлиги, Д.Садикова томонидан аранг бўлиб-бўлиб 3.000 АҚШ доллари қопланганлиги, қолган пулларни қопламасдан келаётганлигини билдириб қопланмай қолган зарар 4.850 АҚШ долларини тўлиқ ундириб беришни сўраб, кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Б.Худойбердиев дастлабки тергов вақтида берган кўрсатувларини тасдиқлашини билдириб, қуйидагиларни, яъни у 2024 йилда “Малика савдо мажмуаси”да А.Исламов билан бирга ишлаб келганлиги, 2024 йил октябрь ойида А.Исламов таниши Д.Садиковага жами тўрт дона телефон аппарати пулини олти ой муддатда бўлиб бериш шарти билан берганлиги, бироқ, Д.Садикова уни алдаб телефонларни сотиб пулини бошқа қарзларига тўлаб юборганлигини эшитганлигини билдириб кўрсатувлар берди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида, “Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланади.



Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмас ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

Агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас” деб кўрсатилган.

Суд, мазкур конституциявий норма қоидаларига амал қилиб, судланувчи Д.Садикованинг айби, унинг ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, ариза, тушунтириш хатлари, тергов олди суриштирув жараёнида тўпланган ҳужжатлар, кўздан кечириш, юзлаштириш баённомалари, фотожадваллар, тилхат, ашёвий далилни олиш, кўздан кечириш, юзлаштириш баённомалари, ашёвий далил деб топиш қарори, смс ёзишмалари ҳамда ишдаги бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан ўз исботини тўлиқ топган деб ҳисоблайди.

Дастлабки тергов органи томонидан Д.Садикованинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан “Фирибгарлик, яъни алдаш ва ишончни суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг анча миқдордаги мулкани қўлга киритиш” да ифодаланган жиноят аломатлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасининг 4-бандида, “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак” деган раҳбарий қоида белгиланган.

Суд, юқоридаги конституциявий норма қоидаларига амал қилиб, судланувчи Д.Садиковага нисбатан жазо тайинлашда у томонидан содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини атрофлича ўрганиб, айбдор ўз қилмишига тўлиқ иқрорлик билдириб қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, аёллигини, Ўзбекистон Республикаси ЖК 55-моддасида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, жиноятни ғараз мақсадларда содир этганлигини ЖК 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 2-қисми санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни ҳамда озодликни чеклаш мажбуриятлари билан бирга уч ойлик муддат ичида судланувчи Д.Садиковага ундириш белгиланган зарарни қоплаш мажбуриятини юклашни лозим деб ҳисоблайди.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг



2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 25²-бандида “Суд жиноят кодекси 48¹-моддасининг 3-қисмига мувофиқ қўлланилаётган тақиқнинг (чеклашнинг) хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, суд маҳкумнинг зиммасига қушимча тақиқларни (чеклашларни) юклаши мумкинлиги, судлар мазкур тақиқлар (чеклашлар) ЖК 48¹-моддаси биринчи қисмида белгиланган мажбурий тақиқлар (чеклашлар)га қўшимча ҳисобланганлиги сабабли, уларни маҳкумнинг зиммасига юклатилиши суд ҳукмининг тавсиф қисмида асослантирилиши лозимлиги, шу муносабат билан маҳкумнинг шахси ва ишнинг бошқа ҳолатлари инobatга олинган ҳолда, ушбу қўшимча тақиқлар (чеклашлар) суд томонидан маҳкумга тўла ёки қисман юклатилиши мумкинлиги, мазкур қарорнинг 25³-бандида суд озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахснинг зиммасига ўзи етказган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаши мажбуриятларини юклаши мумкинлиги, ушбу мажбуриятларни юклаш асоси суд ҳукмининг тавсиф қисмида кўрсатилиши лозимлиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд, юқоридагиларга кўра, Д.Садикованинг шахсини, содир этилган қилмишининг хусусиятини, жабрланувчига жиноят оқибатида етказилган зарар тўлиқ қопланмаганлигини ва жабрланувчининг қопланмай қолган зарарни ундиришни сўраб судга тақдим қилган аризасини ва ишдаги бошқа ҳолатларни инobatга олиб, қўлланилаётган тақиқнинг (чеклашнинг) хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда суд, Д.Садикованинг зиммасига уч ойлик муддат ичида жабрланувчи А.Исламов фойдасига ундириш белгиланган (кўрсатилган) зарарнинг қопланмаган қисми, яъни 4.850 АҚШ доллари ҳукм эълон қилинган кундаги сўмга нисбатан қийматида 58.830.500 сўм қоплаш қўшимча мажбуриятни юклашни лозим деб ҳисоблайди.

Шунингдек, суд, ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона DVD диск, тилхатларни жиноят иши ҳужжатларида сақлашни лозим топади.

Юқоридагиларга ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20,28-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460-463, 465-468, 471-473-моддаларига мувофиқ, суд,

ҲУКМ ҚИЛАДИ:

Садикова Дилфуза Абдулазизовна (Sadikova Dilfuza Abdulazizovna) Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Садикова Дилфуза Абдулазизовнага нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан ишлаш вақтидан, шунингдек иш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда яшаш хонадони



ҳисобланган, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Жўржоной” м.ф.й., “Самоний” кўчаси, 2а-уйдан чиқишни тақиқлаш орқали 3 (уч) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддасига асосан судланувчи Д.Садикова зиммасига уч ойлик муддат ичида жабрланувчи А.Исламов фойдасига ундириш белгиланган (кўрсатилган) зарар, яъни 4.850 АҚШ доллари ҳукм эълон қилинган кундаги сўмга нисбатан қийматида 58.830.500 сўм қоплаш қўшимча мажбурият юклатилсин.

Жазо ижросини таъминлаш, Д.Садикованинг яшаш жойи бўйича Тошкент шаҳар Учтепа тумани, ИИО ФМБ Пробацяя бўлими зиммасига юклатилсин.

Озодликни чеклаш муддати Д.Садикова жазоларни ижро этиш инспекцияларида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Садикова Дилфуза Абдулазизовнадан жабрланувчи Исламов Атабек Анварбекович фойдасига етказилган моддий зарарнинг қопланмаган қисми, яъни 4.850 АҚШ доллари ҳукм эълон қилинган кундаги сўмга нисбатан қийматида 58.830.500 (*эллик саккиз миллион саккиз юз ўттиз минг беш юз*) сўм ундирилсин.

Д.Садиковага жазони ўташ даврида, суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ЖК 48¹-моддасининг 6-қисмида кўрсатилган оқибатлар юзага келиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Д.Садиковага нисбатан қўлланилган “шахсий кафиллик” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона DVD диск жиноят иши ҳужжатлари билан биргаликда сақлансин.

Ҳукм устидан апелляция тартибида шикоят ва протест ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум ва жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида, шунингдек ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг агарда ушбу ҳукм апелляция тартибида кўрилмаган бўлса, кассация тартибида шикоят мазкур суд орқали Тошкент шаҳар судига берилиши мумкин.

Раислик қилувчи

Н.Касимова

